

ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОШ ЭТИШ
БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ХАРАКАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ

БОЗОБОЕВ ҲАМИДЖОН УМИДЖОН ЎҒЛИ

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада муаллиф томонидан товламачилик жинояти, уни тушунчаси, товламачилик жинояти учун жавобгарлик масаласи, ушбу товламачилик жинояти бўйича олиб бориладиган терговга қадар текширув ҳаракатлари, этибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда ушбу турдаги жиноятларда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Калим сўзлар. Товламачилик, жиноят, терговга қадар текширув, жавобгарлик масалалари.

Abstract: In this article, the author presents the crime of extortion, its concept, the issue of responsibility for the crime of extortion, investigation actions before the investigation of this crime of extortion, situations that require attention, and relevant suggestions and recommendations regarding the improvement of law enforcement activities in this type of crime.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда ҳеч бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қиммати камситилишига ҳамда содир этмаган қилмиши учун ноҳақ жавобгарликка тортилишига йўл қўймасликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда жиноятчиликни жиловлаш, жиноий қилмишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, терговга қадар текширув амалиёти таҳлили ушбу фаолиятни амалга

оширувчи органларнинг фаолият самарадорлигига тўсқинлик қилаётган, жиноятларни фoш этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, терговга қадар текширув жараёнини такомиллаштириш борасида чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг шиддат билан ривожланиб келаётган бормоқда. Барча Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ “Тезкор-қидирув фаолияти, ушбу қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ТҚТ ўтказиш рқали амалга ошириладиган фаолият туридир”. Яъни, Тезкор-қидирув фаолияти вазифалари асосан ТҚТни ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш - жинoий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 165-моддасига кўра, товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш -уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик:¹ а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) кўп миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ТҚТ—муайян тактик мақсадларга эришишга йўналтирилган ўзаро муштарак ҳаракатлар тизимидир. Ҳозирги пайтгача ТҚТ “тезкор-қидирув чоралари” атамаси билан ниқобланган бўлиб, фаолиятни амалга оширувчи органларнинг ёпиқ идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган эди.

Терговга қадар текширув ва жиноят ишларини юритишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд қуйидагиларни олиб қўйишга ҳақли:²

-ашёвий далил сифатида аҳамиятга эга бўлган, муайян хусусиятлари, белгилари, излари мавжуд нарса, ҳужжат ва бошқа ёзувлар;

-суд томонидан фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ундирув қаратилиши мумкин бўлган миллий ва чет эл валюта ҳамда бошқа қимматликлар;

-муомаладан чиқарилган ёки муомаласи чекланган нарсалар (кейинги ўринларда «муомаладан чиқарилган» деб юритилади) — агарда эгасида уларни сотиб олиш, сақлаш, фойдаланиш учун тегишли рухсатнома бўлмаса;

-гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар — агар унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилган ҳолда;

-давлат мукофотлари ва уларга тегишли ҳужжатлар — уларнинг кимга тегишлилиги аниқланмаган бўлса ёки уларнинг эгасига нисбатан қамоққа

¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/tovlamachilik-uchun-jinoiy-javobgarlik>

² <https://lex.uz/docs/1724291>

www.tadqiqotlar.uz

олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилганлиги сабабли уларнинг сақланишини таъминлаш имконияти бўлмаса, шунингдек суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига маҳкумни давлат мукофотларидан маҳрум қилиш тўғрисида тақдимнома билан муурожаат этилган ҳолларда.

-Суриштирувчи, терговчи ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки уларни вакилининг аризасига асосан фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ёхуд гаров тариқасида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликларни ҳам қабул қилиб олади ва қонун ҳужжатлари талаблари асосида топширилишини таъминлайди.

ТҚТни ўтказишдан мақсад—жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва очиш, яширинган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларни қидириш билан боғлиқ тезкор-тактик вазифаларни ҳал этиш ҳисобланади.

ТҚТ фаолиятнинг асосий принциплари бўлган қонунийлик; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; конспирация ва ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги принциплари ҳамда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; инсонпарварлик ва адолат; тезкор тайёргарлик; ҳужумкорлик; тезкор вазиятни таҳлил қилиш асосида тезкор-қидирув ҳаракатларини башорат қилиш, режалаштириш, ҳамкорлик қилиш каби хусусий принциплари асосида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув ҳаракатлари ТҚТнинг ички мазмунини ташкил этади. Ушбу ҳаракатлар асосий ва ёрдамчи ҳаракатларга бўлинади:

1. Асосий ҳаракатлар—тайёрланаётган, содир этилаётган ва содир этилган жиноятларнинг барча иштирокчиларини аниқлаш ва уларнинг жиноий ҳаракатларини фош этиш билан боғлиқ ахборотни олишга қаратилган.

2. Ёрдамчи ҳаракатлар—фақат мақсадга эришиш учун зарур бўлган шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- тезкор вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ўзгариши

эҳтимолини башорат қилиш;

- кучлар (иштирокчилар)нинг ҳисобини олиш, уларга йўл-йўриқ бериш, зарур уст-бош, ниқоблаш ҳужжатлари, махсус техник воситалар билан таъминлаш;

- мўлжалланган тадбирни ўтказишни таъминловчи афсоналар ишлаб чиқиш, тегишли шароитлар яратиш;

- далиллар тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминловчи усуллар ишлаб чиқиш.

Шу билан бирга, “ТҚФ тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисмида қайд этилган махсус объектлар доираси ҳам мавжуд бўлиб, ТҚФни амалга оширувчи органлар, ўз ваколатлари доирасида, қуйидаги қарорларни қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплаш мақсадида ТҚТни ўтказишга ҳақли:

- давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш тўғрисида;

- ТҚФда иштирок этишга рухсат бериш ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида;

- ТҚФни амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар билан ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ёки бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳақида.

ТҚТ субъектлари) муайян ТҚТни ўтказишни бевосита ташкил этувчилар (тезкор ходимлар, тезкор бўлинма раҳбарлари); б) ТҚТни ўтказишга жалб қилинганлар (кўмаклашувчи шахслар, мутахассислар, операторлар, жамоатчилик вакиллари ва ҳ.к.).

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этиш қуйидаги ҳолларда қатъиян тақиқланади: тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд

муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этган субъектлар хавфсизлигини таъминлаш имконияти бўлмаганда; тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда кўмаклашаётган шахсларнинг ошкор бўлиб қолиш хавфи мавжуд бўлганда³.

Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг предмета қўйидагилардан иборат:

- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишлиги;
- тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиби;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги;
- тезкор-қидирув фаолияти натижаларида аниқланган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни процессуал қонунчилиги асосида қайта текшириш ва расмийлаштиришнинг қонунийлиги.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.
2. Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари.
3. Алексеев А.И., Синилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. –М., 1973.
4. Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. –М.: Юрид. лит., 1991.

³ Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари. – Т.: “IMPRESS MEDIA” МЧЖ, 2015. Б. 89-93

5. Белкин Р.С. Курс криминалистики. 1 т. –М.: Юрид. лит., 2001.
6. Бобров В.Г., Лукашов В.А., Смирнов С. А. Введение в курс «Оперативно-розыскная деятельность органов внутренних дел». –М., 1990.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 442-сон Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №36. – 943-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 448-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №126. – 17-м.
9. «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.[www. lex.uz](http://www.lex.uz)
11. Lex.uz «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотларининг миллий базаси» излов тизимидаги маълумотлари бўйича тайёрланди.